



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Янги tibbiy texnika кўмитаси раиси

Ф.Т.Холтoев

2018 й. 6

сентябрь

Қўллаш бўйича йўриқнома

Катионорм® кўз учун химоя томчилар, эмульсия

Препаратни қўллашдан олдин, илтимос, ушбу Йўриқномани диққат билан ўқиб чиқинг.

Ушбу Йўриқномани сақлаб қўйинг, кейинчалик у Сизга яна ўқиб чиқиш учун керак бўлиши мумкин.

Агар Сизда ҳар қандай қўшимча савол туғилса, даволовчи шифокорингизга ёки фармацевтга мурожаат қилинг.

Агар аломатлар йўқолмаса, даволовчи шифокорингизга маслаҳат учун мурожаат қилинг.

1. Катионорм® ўзи нима ва у нима учун қўлланилади

Катионорм® – бу сут рангидаги, таркибида консервантлар бўлмаган суюқлик кўринишидаги кўз учун офтальмологик стерилланган гипотоник эмульсия.

Катионорм® таркибига минерал ёғлар, глицерин, тилоксапол, полоксамер 188, трис гидрохлорид, трометамин, цеталконий хлорид (катион модда сифатида) ва тозаланган сув киради.

Бир флакон Катионорм® препаратида 10 мл стерил эмульсиядан таркиб топган.

Катионорм® санчиш, қичишиш, ачиш ёки кўзда ёт жисмни ҳис қилиш (қум ёки чанг ҳисси) кўринишида намоён бўлувчи “қуруқ кўз” аломатларини йўқотишга мўлжалланган. Ушбу аломатларга ташқи омиллар (кондиционер ишлаши, ифлосланиш, самолётда сайр қилиш, компьютерда ишлаш, рефракцион жаррохлик, контакт линзаларини тақиш кабилар) ёки мейбомий безлари дисфункцияси каби патологиялар сабаб бўлиши мумкин.

Катионорм® кўз юзасини намлайди, мойлайди ва химоя қилади.

2. Катионорм® препаратини қўллашдан аввал

Агар Сизда препаратнинг ҳар қандай компонентига аллергия бўлса, Катионормни қўлланманг.

Препарат бошқа кўз касалликларини даволашга мўлжалланмаган. Агар Сизда бирор бир савол туғилса, даволовчи шифокорингизга ёки фармацевтга маслаҳат учун мурожаат қилинг.

Агар Сиз бир вақтнинг ўзида бошқа кўз томчиси қўлланилаётган бўлса, у ҳолда кейинги препаратни қўллашдан олдин камида 5 минутлик интервал бўлиши лозим. Бунда Катионорм® препаратини охирида томизиш тавсия этилади.


Катионорм® барча турдаги контакт линзаларига мос келади.

3. Катионорм® қандай қўлланилади

Кўз учун қўлланади.

Тавсия этилган дозалаш тартиби 1 томчидан, кунига 1 мартадан 4 мартагача.

Қўллаш бўйича кўрсатма:



- Қўлларни ювинг.


- Кўз томчиларили флаконни биринчи қўллашда букилувчи клапанни тортиб, қопқоқдан химоя ҳалқасини ечинг.




- Эҳтиёткорлик билан қопқоқчани тортиб, флаконни очинг.

- Флакон корпусини катта ва кўрсаткич бармоқ орасига жойланг.

- Флакон учи ва бармоқларингиз орасидаги ҳар қандай контактдан сақланинг.



- Бошни орқага ташланг.
- Эҳтиёткорлик билан пастки ковоқни пастга тортинг ва юқорига қаранг.
- Флаконни кўз устида ушланг ва қўлнинг орқа томонини пешанага теккизинг.



- Эҳтиёткорлик билан бир томчини кўзга томизинг ва кўзни бир неча марта пирпиратинг.
- Флакон ичлиги билан кўз ва киприкларга тегманг.
- Ҳар бир қўллашдан сўнг флаконни қопқоқча билан ёпинг.
- Агар сиз препаратдан фойдаланмаётган бўлсангиз, флаконни картон ўрамида сақланг.

Флакон биринчи очилганидан сўнг Катионорм® препаратини уч ойдан ортиқ қўлламаңг. Флакон илк бор очилгандан сўнг уч ойдан ортиқ қўллаш кўзга касал юқиш хавфини туғдиради.

4. Бўлиши мумкин бўлган ножўя таъсирлари

Жуда кам ҳолларда қисқа муддатли дискомфорт пайдо бўлиши мумкин, хусусан: кўз кичишиши, кўз оғриғи, кўзда ёт жисмни ҳис қилиш, кўз кизариши, кўзда санчиш, кўз ёши оқиши, кўзда ачишиш ҳисси, кўришни вақтинчалик хиралашиши, ковоқлар яллиғланиши ёки шиши. Ушбу аломатлар шунингдек кўз қуруқлиги билан хасталанган бемордаги мавжуд асосий кўз касалликларига боғлиқ бўлган кўз қуруқлиги касаллигига хос бўлган аломатларнинг бир қисми ҳисобланади.

АГАР СИЗ УШБУ ЙЎРИҚНОМАДА КЎРСАТИЛМАГАН ҲАР ҚАНДАЙ НОЖЎЯ ТАЪСИРНИ ПАЙҚАСАНГИЗ, У ҲАҚИДА ДАВОЛОВЧИ ШИФОКОРИНГИЗГА ЁКИ ФАРМАЦЕВТГА ХАБАР БЕРИНГ.

5. Катионорм® қандай сақланади

Флакон картон ўрамда, 30°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Шикастланган флакондан фойдаланилмасин.

Ўрамда кўрсатилган яроқлилиқ муддати тугагандан сўнг қўлланилмасин.

Сиз флакон биринчи очган санани бу ерда ёзинг: _____

ЕС Сертификатнинг Европадаги эгаси

Santen, 1 rue Pierre Fontaine - Bâtiment Genavenir IV, 91000 Evry, Франция

Ишлаб чиқарувчи:

Santen, 1 rue Pierre Fontaine - Bâtiment Genavenir IV, 91000 Evry, Франция

(Сантен, 1-кўч. Пьер Фонтен - Батиман Женавенир IV, 91000 Эври, Франция)

завод:

Laboratoires Pharmaster, Z.I. de Krafft, 67150 Erstein, Франция

(Лаборатуар Фармастер, З.И. де Крафт, 67150 Эрштейн, Франция)

Дистрибьютор:

Santen Oy, 33720 Tampere, Финляндия

Santen Oy компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Шота Руставели кўч., 12

Тел.: +998 71 150 7161